

XX аср ўзбек адабиёти намояндалари орасида узок умр кўрган адиблардан бири Комил Яшиндир. У баракали умри мобайнида Хамза ва Чўлпон сингари шоирлардан ижод сирларини ўрганиш, Кори Ёқубов ва Тўхтасин Жалилов сингари санъат даргалари билан хамкорлик қилиш шарафига эришди. Мураккаб тарихий даврда рўй берган ижтимоий ва маданий воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлди, шу воқеаларнинг маълум бир қисмида шахсан иштирок ҳам этди. XX аср ўзбек адабиётида шўро даври мавзуларини адабиёт ва санъатнинг қарийб барча тур ва жанрларида ёритишга Яшиндек катта куч сарфлаган бошқа ижодкорни топиш қийин.

Комил Яшин 1909 йил 25 декабрда Андижон шаҳрида тугилди. Унинг бобоси Жумабой туякаш Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Сакичмон маҳалласида яшаб, бойлар ва савдогарларнинг молларини бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ташиш билан турмуш тебратган. Айтишларича, Эски Жўвада унинг қарвонсаройи бўлган. Жумабой туякаш биринчи хотинидан Қосим, Содик ва Нўмон деган ўғиллар кўрган. Унинг Нўмон деган учинчи фарзандидан бизнинг мухтарам адибимиз Комил Яшин дунёга келган.

Жумабой туякаш фаний дунёдан боқий дунёга рихлат қилганида, замон ўзгариб, қарвонсаройлардаги туялар сийраклашиб қолган эди. Шунинг учун бўлса керак, фарзандлари “ота қасби”ни ташлаб, богдорчилик билан шугуллана бошлаганлар. Бўлажак адибнинг отаси ўтган аср бошларида қандайдир бир сабаб билан Андижонга бориб, ўша ерда уйланиб, палак ёзиб қолади.

Гафур Гулом 1966 йилги Тошкент зилзиласи муносабати билан ёзган “Ватандошларимга тасалли” мақоласида 1892 йили Андижонда рўй берган дахшатли зилзилани эслаб, бундай ёзган эди: “Менинг ўша замон маъмуриятига тухмат қилишга ҳаққим йўқ. Зилзиладан жафо чеккан халққа қандай ва не миқдорда, нималар билан ёрдам берганини билмайман... Аммо шуниси маълумки, том тагида қолганларни қазиб олиш учун ярқоқ иморат усқуналарини, рўзгор анжомларини, бисоту багални тупроқ тагидан чиқариб олиш учун кетмон, бел сингари асбоб-усқуналар етишмас эди. Ана шунда Андижон йигитларидан асл таги тошкентлик Нўмонжон деган киши Тошкентга келиб, етти арава кетмон, бел, майда қозон, чойнак-пиёлалар олиб бориб андижонликларга улашди” (Бу одам атоқли драматургимиз Комил Яшиннинг отаси бўлади).

Нўмон Жумабой ўгли адибнинг бўлажак онаси Хайринисога девордан ўсма, райхон отиб юриб, ўзига ром қилган. Шу вақтда у йигирма беш ёшда бўлган. У мадраса кўрмаганига қарамай, хат-саводи пухта бўлганлиги туфайли андижонлик пахтачи бойлардан бирига гумашталиқ қилиб, унинг эътиборини қозонган. Унинг ичкари-ташқари ховлили уйи Андижон вилоят мусиқий драма театрига туташ бўлиб, бу уйнинг тоқчаларида “Далойили хайрот”, “Тафсир”, “Қиссаси Рабгузий», “Қимёи саодат”, “Бобо Равшан”, “Иброҳим Адҳам” сингари диний китоблардан ташқари, “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон” сингари китоблар ҳам бўлган. “Дадам, — деб ёзган эди Яшин, — шеърятни ҳам ёқтирарди, мусиқа, кўшиқни жон қулоғи билан тингларди. Уйда турлича “баёз”ларни саклар, вақти-вақти билан уларни варақлар, бироқ пана-пана жойларга беркитгани-беркитган эди. Бунинг сабаби ҳам кўп ўтмай маълум бўлди. У опаларимнинг кўзлари эртароқ “очиқ кетмаслиги” учун ишқий шеърлардан иборат газалларни уларга кўрсатмасликка ҳаракат қиларкан”.

Яшин ака шундай муҳитда тарбия топди. Лекин ўзгара бошлаган замон унинг адабий диди ва қарашларига ўз муҳрини Хамза орқали босди. У 1915 йилда эски мактабда

Фахриддинхон исмли мутаасиб муаллим кўлида ўқий бошлади. Шу вақтда инкилобий воқеалар юз берди. 1919 йили андижонлик машхур тадбиркор Миркомилбойдан тортиб олинган Савдо маркази маданият ходимлари ихтиёрига берилди. Бахор ойларида шу ерда Хамза билан бўлиб ўтган учрашув Яшиннинг кейинги ҳаёти ва ижодига катта таъсир кўрсатди.

“Хамза Ҳакимзода билан илк учрашувлар, — деб ёзган эди адиб, — калбимда ўчмас ва чуқур из қолдирди. Ўшандан бошлаб вужудимга бир туйғу оралаб қолди. У ҳам бўлса сахна санъатига кучли муҳаббат эди. Санъатни азбаройи севиб қолганимдан у хатто тушларимга ҳам кириб чиқарди”.

Афсуски, адиб шу йилларда ҳам, кейин ҳам буюк Чўлпон билан яқин алоқада бўлганлиги, унинг ижодий ёрдамидан кўпроқ баҳра олганлигига қарамай, маълум сабабларга кўра, шу ҳақда бирор сўз айтмаган. Холбуки, адиб умрининг сўнгги йилларида биз, бир-икки адабиётшуносга Чўлпон тўғрисида, унинг ўз ижодига кўрсатган таъсири тўғрисида миннатдор шогирд сифатида жўшиб сўзлаб берган эди.

Яна шуни айтиш лозимки, адибнинг поччаси, Андижоннинг илгор кишилари Ҳакимжон ва Олимжон Сарқоровларнинг хонадонида бой кутубхона бўлиб, бўлажак адиб шу кутубхонадаги Туркистон тарихига оид илмий китоблардан ташқари, Вокиф, Хусайн Жовид, Собир сингари озарбайжон, Абдулла Тўқай сингари татар ёзувчиларининг асарларини мутолаа қилган ва бу асарлар ҳам унинг ижодкор сифатида шаклланишига муайян таъсир кўрсатган. Лекин шўро давлати шу даврда ўқув муассасаларида ташкил этилган комсомол-ёшлар ташкилоти ёрдамида ёш авлодни ўз таъсир доирасига тортиб, улар билан Чўлпонлар, Хусайн Жовидлар орасига тўсик қўя бошлаган эди.

Болалик ва ёшлик хотиралари аксар ёзувчилар ижодида муҳим ўрин тутди. Чунончи, адибнинг отаси қайсидир бойдан олган қарзини ўз вақтида узолмай, Султонхон исмли попуқдек кизини бойнинг тўрт хотинли тантик ва нодон ўғлига беришга мажбур бўлган. Бойвачча ўта золим ва жохил қимса бўлиб, хотинларини ярим йил-бир йил деганда ота уйига аранг юборар, бошқа пайтларда бўлар-бўлмасга қалтаклар экан. Қомилжон бир куни поччасининг уйига борганида унинг опасини қамчилаб, азоб бераётгани устидан чиқади.

Бундай воқеаларни кўриб, ўзбек хотин-қизларининг машаққатли қисматларидан эзилиб юрган Яшин 1925 йилда кўлига қалам олиши билан Султонхон опасига ўхшаш аёлларга бағишлаб шеърлар ёзади. 20-йиллар охири — 30-йилларнинг ўрталарида ўзбек адабиётидан катта ўрин эгаллаган хотин-қизлар озодлиги мавзуи Яшин шеърларида ҳам бонг ўларок жаранглади. Ёш шоир бу билан қифояланиб қолмай, ўқувчилик йилларидан бошлаб ошффта бўлгани драматургияга қўл уриб, “Тенг тенги билан”, “Лолахон” номли бир пардали пиесаларини (1927), “Ичкарида” (1933), “Гулсара” (1934), “Номус ва муҳаббат” (1935), “Нурхон” (1940) драмаларини ёзади. Яшин “Ичкарида” пиесаси асосида ёзилган “Гулсара” асари устида тинимсиз ишлаб, уни опера ва балет театри сахнасига олиб чиқади. Шу тарзда хотин-қизлар озодлиги мавзуси Яшиннинг шеърини, айниқса, драматургик ижодида даврнинг энг муҳим ижтимоий ва маънавий муаммоларидан бири сифатида талқин қилинади.

Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва ривожланишида Ҳамзанинг хизматлари оз эмас. Драма ва комедия табиатини чуқур ҳис этган Ҳамза драматик ва комик вазиятларни яратишда мислсиз бўлиши билан бирга, қахрамонлар нутқини ишлашнинг ҳам моҳир устаси эди. Яшин Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи”, “Майсаранинг иши”, “Захарли ҳаёт” асарларини қайта сахнага олиб чиқиш жараёнида устознинг драматургик

махоратини пухта эгаллади. Шу хол унинг Навоий ва халк огзаки ижоди дурдоналарини мусикали ва опера театрлари сахнасига олиб чиқишида ҳам («Фарход ва Ширин», «Равшан ва Зулхумор», «Дилором»), «Хамза», «Йўлчи юлдуз», «Инкилоб тонги» драмаларини яратишида ҳам ўз жамолини кўрсатиб туради.

Яшиннинг драматург сифатидаги хизматлари тўғрисида сўз борар экан, Миртемирнинг куйидаги сўзларини эслаш жоиз: «Драматург деганда, — деб ёзган эди у, — кўз ўнгимизга буюк Хамзадан кейин у келади. Унинг драмалари кадам-бакадам, зина-базина юксалиб, чиникиб, ўсиб-улгайиб, томошабин дилида ўчмас из колдирган. Унинг ўзи ҳам кадам-бакадам, зина-базина юксалиб, чиникиб, ўсиб-улгайиб, томошабин олқишига сазовор бўлган калам захматкаши... Бу хазилакам меҳнат эмас. Бу, хар томонлама етуклик, деган сўз. Одамларни билиш, хаётни билиш, хаётнинг ич-ичига сингиб кетиш, ...хаётни санъаткорона тасвирлай олиш хазилакам гап эмас. Бу фазилатлар факат етакчи ёзувчига, замон ва халк олдида ўз масъулиятини калбдан сезган каламкашга хос фазилатлардир. Мен унинг хар асарини ўқиганимда ё сахнада кўрганимда, катта ижодий меҳнат меваси эканини хис этаман...».

Яшин XX аср ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларидан бири сифатида ўзбек драматургияси ва театр санъати тараккиётига улкан хисса қўшди. Драматургия ва театрнинг бирор соҳаси йўқки, у шу соҳаларнинг вужудга келиши ва камол топишига хисса қўшмаган бўлсин. У етук драматург сифатида ўз асарлари билан хозирги Ўзбек миллий академик драма театри репертуарини белгилаб ва ўзбек драмасининг «планка»сини кўтариб берди; ўзбек театр маданиятида опера санъатининг вужудга келиши ва раванг топишига муносиб хисса қўшди. Шекспирнинг «Антоний ва Клеопатра», У.Гаджибековнинг «Аршин мол олон», И.Брусилловскийнинг «Эр Торгин», Б.Кербобоевнинг «Махтумкули», Мехти Хусайннинг «Олов», И.Косимовнинг «Инсон меҳри» сингари асарлари Яшин таржимасида сахна юзини кўрди. У кинодраматургия соҳасида ҳам ижод қилиб, «Асал» (1940), «Хамза» (1960), «Генерал Рахимов» (1967), «Шиддат» (1971) филмлари ҳамда «Оловли йўллар» телефилми (хамкорликда) сценарийларини яратди. 1958 йилдан 1980 йилга қадар бўлган даврда эса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилдики, шу даврда Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек», О.Ёкубовнинг «Улугбек хазинаси», П.Кодировнинг «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» сингари ўлмас асарларнинг майдонга келиши, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг шеърятга чакмок ўларок отилиб қиришида, ўзбек ёзувчилари асарларининг рус ва бошқа тилларга таржима қилиниб, хорижда машхур бўлишида унинг ҳам хизматларини йўқ, деб бўлмайди. Ўзбек адабиёти халқаро обрўсининг худди шу даврда ошишида Яшиннинг собик иттифок Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари ва пешқадам қардош ёзувчилар билан яқин алоқада бўлганлиги муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Яшиннинг адабий-танқидий мақолаларига назар ташлар эканмиз, унинг 1958 йил учун белгиланган ижодий режаси бизни хайратга солади. У 1957 йилда хозирги Миллий театр учун «Йўлчи юлдуз» драмаси, Муқимий театри учун «Равшан ва Зулхумор» мусикий драмаси, Навоий театри учун эса «Дилором» опера либреттосини ёзганлигини қайд қилиб, бундай сўзларни айтган: «Мен 1958 йилда ўзбек олими, улуг астроном, мутафаккир, файласуф Улугбек хақида Хамза номли театр учун бир трагедия устида иш олиб бормокдаман. Бу тема мени кўпдан бери қизиқтириб келади. 1958 йилда Улугбек номига лойиқ асар яратиб, шу орзумга етсам, ўзимни бахтиёр, деб билардим».

Биз бу асарнинг ёзилмай қолиш сабабларидан огоҳ эмасмиз. Адибнинг 1958 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис этиб сайланиши ва ташкилий ишлар билан

ўралашиб колиши, балки шу ижодий ниятнинг рўёбга чиқишига имкон бермагандир. Балки у Максуд Шайхзоданинг “Мирзо Улугбек” трагедиясини ёзишга тараддуд кўраётганидан вокиф бўлиб, каламкаш дўстининг ижодий нияти йўлида гов бўлишни истамагандир. Ким билади, балки Яшин бу кутлуг ижодий режасини амалга ошириш имконига эга бўлганида унинг кейинги ижоди бошка ўзанда кечган ва у адабиётимиз хазинасида бир умрга қоладиган сахна асарларини яратган бўлармиди.

Камина адибнинг энг сўнгги асари — “Ёднома”ни варақлар эканман, муаллифнинг мухофаза қуввати беҳад даражада кучли бўлганидан хайратга тушаман. У болалик кезларидан умрининг сўнгги нафасига қадар ўзи гувоҳ бўлган ёки эшитган воқеаларни, одамларни хотирасида шу қадар тиник ва тўла сақлаган эдики, “Ёднома”ни ўқиган киши Яшиннинг XX асрдаги ўзбек халқи тарихининг жонли қомуси сифатида идрок этиши ҳеч гап эмас эди. Биз, бир-икки адабиётшунос, Яшин акани зиёрат қилиб борганимизда, у Чўлпон, Қори Ёқубов ва бошка ўнлаб машхур тарихий шахслар тўғрисида шундай воқеаларни айтиб берардики, биз адибдан шу хотираларни қозғашга тушириб, “Ёднома”нинг иккинчи қитобини тезроқ чоп этишини илтимос қилардик. Лекин у хориғанлиги ва ортик ёзувга рағбати қолмағанлиги сабабли бу воқеаларни ёзишни бизнинг ўзимизга топширмоқчи бўлди.

Камина ўша кезларда Чўлпон шахси билан қизиққан тўғайли Яшин ақадан ҳам, Халима оқадан ҳам уларнинг улуг андижонлик юрғдоши ҳақидаги хотираларини қилишни истардим. Халима оқа Чўлпонни ўз отасидан ҳам ортик даражада ҳурмат қилар, Яшин ақа эса, ҳали ҳушёр қулоқлар борлиги сабабли, Чўлпоннинг миллатчи бўлғанлигини пеш қилар эди. Биз ўзғараётган даврда Чўлпон ҳақида пайдо бўлаётган янги тасавурларни Яшин ақага секин-ақта етқазиб, унинг қалби тубида ётган хотираларнинг юзага чиқишига эриша бошладик. Яшин ақа Чўлпоннинг ўзига устоз бўлғанини, бир неча шеърларини таҳрир қилиб берғанини айтди. Унинг қиёлани лабиға яқин қелтириб, тез-тез ҳўплаб ичишини эслади. Унинг Чўлпонға бўлған меҳри турли ранғларда товлана бошлади.

Ақмо афсуслар бўлсинки, Яшин ақа бу хотираларини қозғашга тушириб, “Ёднома”нинг иккинчи қитобини тайёрлаш учун сўниб бораётган ижодий қучини қайта тиклай олмади. XX аср сўнгида мамлақатимизда рўй берған оламшумул воқеа халқимизнинг яқин тарихини икки даврга — муस्ताқилликкача бўлған ва муस्ताқиллик давриға ажратиб юборди. Биринчи даврда яратилған асарлар орасида бугун ҳам бадиий қимматини йўқотмаған асарлар оз эмас. Лекин ақсар асарлар шўро даври талаби ва шўро мафқураси андозалари асосида ёзилғани учун, улар қандай талантли асарлар ва қандай машхур адибларнинг қаламиға мансуб бўлмасин, Тарих, Вақт ва Адабиёт галвиридан тушиб қолди. Ақмо бу ҳол шўро даври ёзувчиларининг хизматларини йўққа қикармайди. Чунончи, мақоламиз қахрамони Яшин XX аср ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларидан бири сифатида ўзбек драматургияси ва театр санъати тараккиётига қўшған улқан хиссаси боис халқимиз хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

Наим Қаримов